

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ**  
**КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МИРРАХИМОВА НАРГИЗА МИРЗАҲИДОВНА**

**БРУЦЕЛЛЁЗНИНГ ТУРЛИ КЛИНИК ШАКЛЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК**  
**АСОСЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Миррахимова Наргиза Мирзахидовна**

Ўткир бруцеллёзнинг турли шакллари ривожланишининг клиник-  
иммунологик ва генетик асослари..... 3

**Миррахимова Наргиза Мирзахидовна**

Клинико-иммунологические и генетические основы формирования  
различных форм бруцеллеза..... 25

**Mirrakhimova Nargiza Mirzakhidovna**

Clinical, immunological and genetic bases for the formation of various forms  
of brucellosis..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ**  
**КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МИРРАХИМОВА НАРГИЗА МИРЗАҲИДОВНА**

**БРУЦЕЛЛЁЗНИНГ ТУРЛИ КЛИНИК ШАКЛЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК**  
**АСОСЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib306 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий – текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Халида Юлдашевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Худайкулова Гулнара Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** БМТ нинг Озик – овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотининг (ФАО) маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда бруцеллёз Ўртаер денгизи, Жанубий ва Марказий Америка, Африка, Осиё, Жанубий Кавказ, Ҳиндистон, Яқин Шарқ минтақаларидаги аҳолининг соғлигига жиддий хавф солаётганлиги учун соғлиқни сақлаш ташкилотларининг муҳим муаммоси ҳисобланади. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «... ҳар йили дунё бўйича 500 000 дан ортиқ одамлар бруцеллёз билан касалланади»<sup>1</sup>.

Жаҳонда бруцеллёзнинг турли клиник шакллари ривожланишининг клиник-иммунологик ва генетик асосларини ўрганиш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, бруцеллёз билан оғриган беморларни даволаш усуллари такомиллаштириш, турли клиник шакллари билан оғриган беморларда кўпгина аъзоларни шикастланишининг даражасини иммунологик баҳолаш, бруцеллёз инфекциясида ҳужайравий ва гуморал иммунитетларнинг аҳамиятини ўрганиш, бруцеллёз билан оғриган беморларда антигенбоғловчи лимфоцитларнинг динамикасини асослаш, бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда макроорганизмнинг дориларга чидамлилигини ўрганиш, бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларда гистомослик антигенларини тақсимланиш хусусиятларини ўрганиш, беморларда сурункали жараённи шаклланишини эрта башоратлаш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш натижасида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бруцеллёзнинг ўткир шакли билан касалланиш даражаси нисбатан юқорилигича қолмоқда, бу эса ўз ўрнида бруцеллёзда сурункали жараённинг шаклланишини олдини олиш ва эрта башоратлаш усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шунга қарамасдан, аҳоли орасида касалликнинг самарали ва сифатли даволашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»<sup>2</sup> жумладан, бруцеллёз касаллигини эрта аниқлаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш беморларнинг ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ги ПФ-4947-сон

<sup>1</sup> ФАО чорвачилик ва хайвонлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳисобот. № 8. Рим. Италия. 2015 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ- 4947-сон Фармони.

Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда бруцеллэзнинг эрта ташхисоти, даволаш ва олдини олиш бўйича тадбирларни самарадорлигини ошириш учун касалликни ташхисоти учун мақбул усулларни танлаш ва касалликнинг хавфли омилларини инобатга олган ҳолда олдини олиш схемасини ҳамда асоратларини камайтириш учун даволаш алгоритминини ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда чет эл адабиётларида бруцеллэз муаммосининг замонавий ҳолатини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда (Jones R.D., Kelly L., England T, MacMillan A, Wooldridge M. 2004). Ташхисот арсенали янги иммунологик ташхисот усуллари ҳисобига кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, бруцеллэз антигени ва ҳар хил иммуноглобулинлар синфига мансуб махсус антителоларни аниқлаш имконини берадиган Иммунофермент таҳлили (ИФТ) усулини эпидемиологик ва клиника амалиётида фойдаланиш асосланган (Ляпустина Л.В., Малецкая О.В., Соколова И.А., Таран И.Ф.2015). Тадқиқотчилар томонидан Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) нинг диагностик самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган. Шу билан бирга кўзгатувчи антигенига махсус, сезгирлиги оширилган антигенбоғловчи лимфоцитларнинг юқори сезгирлиги ва махсуслиги қайд этилмоқда, бундан ташқари бактериологик текширишларга нисбатан афзаллиги ушбу синамани бажаришни қисқа эканлигидир (1 кун) (Жанкин А.А., Каральник Б.В., Денисова Т.Г., Жунусова Г.Б., Курманова Г.М. 2006).

Ҳозирги вақтда популяция даражасидаги генетик тадқиқотларга, организмнинг иммунологик реакцияларини амалга оширишда генотипнинг таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Одамнинг лейкоцит антигенлари тизимини HLA (ингл. Human leucocytes antigenis) аниқлаш, жараёнларни ўрганиш учун устувор ҳисобланади, чунки бу усул касалликни ривожланишининг популяцион хавфини ва беморда айнан қайси касаллик келиб чиқиши эҳтимолини аниқлаш имконини беради.

Замонавий биология ва тиббиётнинг муҳим масалаларидан бири организмнинг турли дори препаратларининг таъсирига индивидуал сезгирлиги ҳисобланади. Генетик омиллар дори воситаларининг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасига таъсир этиши мумкин. Клиник аҳамиятга эга бўлган, ўрганилган шундай генетик омиллардан бири, кўпгина

дориларга чидамлилиқ генининг полиморфизми ҳисобланади (Kurata Y, Ieiri I, Kimura M.,2002]. Шунга боғлиқ ҳолда, индивидуал фармакотерапия биринчи навбатда полиморф генотипларни аниқлашга, дори воситаларига организмнинг реакциясини ўзгаришига, беморларда генотипларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқишга, яъни полиморф генотипларнинг аллел вариантларини аниқлашга ва бу усулни тиббиёт амалиётига тадбиқ этишга қаратилиши керак. Бироқ, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизда ўткир бруцеллёзнинг оқибатида сурункали жараённинг шаклланишини олдини олишнинг таҳлили кенг қамровда ўрганилмаган ва ёритилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Ўткир бруцеллёзнинг оқибатида сурункали жараённинг шаклланишини олдини олиш ва патогенетик механизмларини аниқлаш, эрта башоратлаш усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бруцеллёзнинг турли клиник шакллари ривожланишининг клиник-иммунологик ва генетик жиҳатларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бруцеллёзнинг турли шакллари клиник хусусиятларини замонавий босқичда кечишига тавсиф бериш;

бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларда кўпгина аъзоларни шикастланишининг даражасини тўқима антигенларига нисбатан сезгирлиги оширилган антигенбоғловчи лимфоцитларни ўрганиш асосида иммунологик баҳолаш;

бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда дориларга чидамлилиқ MDR1 генининг С3435Т полиморф генотипларини ташувчанликни ўрганиш ва беморлардаги иммунологик кўрсаткичлар билан қиёслаш;

бруцеллёзнинг турли клиник шакли билан оғриган беморларда гистомослик антигенларини тақсимланишини илмий асослаш;

ўткир бруцеллёзда сурункали жараённи шаклланиш хавфини эрта башоратлаш учун иммунологик ва иммуногенетик усуллари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2018 йилларда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИнинг юқумли касалликлар клиник шифохонасида бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган 199 нафар беморларда, ярим ўткир шакли билан касалланган 50 нафар, бирламчи сурункали шакли билан касалланган 41 нафар беморлар шунингдек, антигенлар гистомослиги ўрганилган, 56 нафар бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморлар, бирламчи сурункали шакли билан касалланган 39 нафар беморлар ва назорат гуруҳидаги Тошкент шаҳрида

яшовчи ўзбек миллатига мансуб 245 нафар соғлом кишилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** вена қони, қон зардоби, лимфоцитлар ва ДНК намуналари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда умумий клиник, серологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жигар, буйрак, бўғим халтачаси, эркакларда простата беши ва аёлларда тухумдонлар тўқима антигенларига махсус, сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитларнинг касалликни динамикасида аниқланиши, ўтказилган даволашнинг самарадорлигини кўрсатиши ва унинг кечишининг башоратлаш мезони бўлиши асосланган;

беморларда кўпгина дориларга чидамлик С3435Т генининг полиморф генотипларини ташувчанликни аниқланиши, даволашда фойдаланиладиган дори воситаларнинг самарадорлигини баҳолашнинг мезони эканлиги исботланган;

илк марта бруцеллез инфекциясининг турли клиник шакллари ривожланиши билан муайян HLA гистомослик антигени ва уларнинг A1B7 ва A1B12 гаплотиплари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги асосланган;

бруцеллезнинг турли клиник шакллари ривожланишида антиген боғловчи лимфоцитларнинг ва дориларга чидамликнинг С3435Т генининг полиморф генотипларини ташувчанликни ахамияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бруцеллезнинг турли клиник шаклларида жигар, буйрак, бўғим халтачаси, эркакларда простата беши ва аёлларда тухумдонлар тўқима антигенларига махсус, сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитларни касалликнинг динамикасида аниқланиши ўтказилган даволашнинг самарадорлигини кўрсатиши ва касалликнинг кечишини башоратлаш мезони бўлиши асосланган;

бруцеллез инфекциясида кўпгина аъзоларнинг шикастланиши иммунологик усулларда аниқланган;

бруцеллезнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда дориларга чидамлик MDR1 генининг С3435Т полиморф генотипларини ташувчанлик аниқланган;

бруцеллезнинг турли клиник шакллари шаклланишида муайян HLA антигенлари ва уларнинг гаплотипларининг ўртасида боғлиқлик илк марта аниқланган;

клиник, иммунологик ва молекуляр-генетик текширишлар асосида ўткир бруцеллезнинг оқибатида сурункали жараённинг шаклланишини эрта башоратлаш усуллари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, серологик,



иммунологик, молекуляр-генетик ҳамда статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморларда кўпгина аъзоларнинг шикастланишининг даражаси иммунологик баҳоланган, макроорганизмда дориларга чидамлилиқ MDR1 генининг C3435T полиморф генотипларини ташувчанлик ўрганилган ҳамда бруцеллёз инфекциясининг ўткир клиник шаклини ривожланиши билан HLA гистомослик антигени ва уларнинг гаплотиплари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги илк марта асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморларда касалликнинг динамикасида антигенбоғловчи лимфоцитлар кўрсаткичларини ва беморларда кўпгина дориларга чидамлилиқ генининг C3435T полиморф генотипларини аниқланиши, беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бруцеллёзнинг турли клиник шаклларини ривожланишининг клиник-иммунологик ва генетик асосларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бруцеллезда ички аъзоларнинг шикастланишини иммунологик ташхисоти» номли услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-д/150 маълумотномаси) ва амалиётга тадбиқ этилган. Мазкур услубий қўлланма бруцеллезнинг ўткир шаклида ички аъзоларда ривожланадиган патологик жараёни эрта ташхислаш ва сурункали шаклини ривожланишини олдини олиш учун антигенбоғловчи лимфоцитларнинг аҳамиятини аниқлашнинг имконини берган;

бруцеллёзнинг ташхисоти бўйича олинган илмий изланиш натижалари Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 1 майдаги «Бактериологик, вирусологик ва ўта хавfli юқумли касалликлар лабораторияларида ўтказиладиган лаборатория усулларини такомиллаштириш тўғрисида» ги 177–сон буйруғининг 12-илоvasи (Бруцеллёз касаллигининг лаборатория ташхиси бўйича услубий кўрсатма) асосида ўта хавfli юқумли касалликлар лабораторияларига жорий қилинган. Мазкур буйруқ ўта хавfli юқумли касалликлар лабораторияларида беморлардан олинган патологик намуналарнинг бруцеллёзга нисбатан текширув усулларини такомиллаштириш имконини берган;

бруцеллезнинг ўткир шаклида беморлар ички аъзоларида ривожланадиган патологик жараёни эрта ташхислаш ва сурункали шакл ривожланишини олдини олиш учун антигенбоғловчи лимфоцитларнинг аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Сурхондарё ва Бухоро вилоятининг юқумли касалликлар

шифохонасининг амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 мартдаги 8н-з/39-сон маълумотномаси). Натижада, бруцеллез билан касалланган беморларнинг кўпгина аъзоларида ривожланадиган патологик жараённи эрта ташхислаш ҳисобига касалликнинг асоратларини камайишига имконият яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори даражаси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари ва текширув усуллари, тўртта хусусий тадқиқотлар боблари, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бруцеллёз инфекциясининг замонавий тавсифи»** деб номланган биринчи бобида бруцеллёз инфекцияси муаммосининг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва чет эл манбаларининг шарҳи келтирилган. Бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморларнинг клиник тавсифи ва уларда кўпгина аъзоларни шикастланишининг даражаси ҳамда дориларга чидамлилик MDR1 генининг С3435Т полиморф генотипларини ўрганишнинг аҳамияти ва бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда гистомослик антигенининг тақсимланишини хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг **«Бруцеллёз инфекциясининг турли клиник шакллари текширишнинг методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари таъриф берилган.

Бруцеллёз инфекцияси билан оғриган беморлардан олинган қон зардобларини серологик усулларда – Хеддельсон реакцияси (ХР), Райт

реакциясида (PP) текшириш ССВнинг 2015 йил 1 майдаги 177 - сон буйруғи асосида бажарилди.

Турли аъзо тўқима антигенларига (ТАГ) ва бруцеллэз антигенига (БАг) нисбатан махсус, сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитларни (АБЛ) миқдорини аниқлашда Ф.Ю. Гариб усули бўйича (1983) билвосита розетка ҳосил қилиш реакциясидан фойдаланилди.

HLA-антигенларини идентификация қилиш, микролимфоцитотоксик синамаси Terasaki P.Y. ва ҳаммуаллифлар (1964) усулида Санкт-Петербург Гематология ва қон қуйиш ИТИ нинг тўқималарни иммунологик типлаш марказидан олинган зардобга қарши ёрдамида антигеннинг учраш даражасини ( $\chi^2$ ) ва нисбий хавф мезонини (RR) ҳисоблаш орқали бажарилди.

MDR1 дориларга чидамлилиқ С3435Т генининг полиморф генотиплари бўйича молекуляр-генетик текшириш учун беморлардан олинган лимфоцитлардан ДНК ажратилди, бунда ЗАО «Синтол» эндонуклеаза Sau3A – ИнтерЛабСервис да (Москва) синтез қилинган С3435Т (MDR1, for: 5' – GAT CTG TGA ACT CTT GTT TCT A –3'; MDR1, rev: 5' –GAA GAG AGA CTT ACA TTA GGC –3') праймерлардан фойдаланилди.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Бруцеллэзнинг ўткир, ярим ўткир ва иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича тавсифи**» деб номланган учинчи бобида 2016-2018 йилларда ЭМЮКИТИ клиникасида бруцеллэзнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморларни клиник кузатуви ҳамда лаборатория текширишларининг таҳлили натижалари келтирилган.

Бруцеллэзнинг ўткир шакли билан оғриган 199 нафар беморлар текширилди, улардан 76 нафари (35,18%) 15-25 ёшда, 49 нафари (24,62%) – 26-35 ёшда, 31 нафари (15,58%) 36-45 ёшда ва 45 ёшдан катталар – 43 нафар (21,6%); бруцеллэзнинг ярим ўткир шакли билан касалланган 50 нафар беморлар текширилди, уларнинг 12 нафари (24,0%) 15-25 ёшда, 13 нафари (26,0%) 26-35 ёшда, 11 нафари (22,0%) 36-45 ёшда, 45 ёшдан юқори -14 нафар (28,0%) ва 41 нафар бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморлар текширилди, уларнинг ёшлари қуйидагича бўлди: 12 нафари (29,3%) 15-25 ёш, 5 таси (12,2%) – 26-35 ёш. 13 нафари (31,7%) 36-45 ёшда ва 45 ёшдан юқори 10 нафар (24,39%), барча беморларнинг ташхиси серологик усулларда тасдиқланди.

Шундай қилиб, бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан оғриган беморларнинг асосий қисмини ўспиринлар ва ёшлар ташкил этди, худди шундай тақсимланиш бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморлар ўртасида ҳам кузатилди.

Назорат гуруҳи сифатида 34 нафар 15-45 ёшдаги соғлом кишилар текширилди.

Анамнестик маълумотларнинг таҳлилида аниқланишича, 82,3% беморларга бирламчи мурожаат қилганда бруцеллёзнинг ўткир шакли ташхиси қўйилган, қолган ҳолатларда эса (17,7%) бруцеллёз инфекцияси аниқлангунча беморлар бошқа касалликларга (гепатит, ЎРК, ЎРВИ ва б.қ.) даволанганлар.

Бруцеллёзнинг ўткир шаклининг клиникаси учун касалликнинг ўткир бошланиши хос (96,6%), 85,43% ҳолатларда тана ҳароратининг кўрсаткичи тўлқинсимон тусга эга бўлиб, эт увишиши билан кузатилган. 33,0% ҳолатларда беморлар сўнгги 12 кун кучсиз ҳолсизликни, мушакларида кучсиз оғриқ, терлаш ва фақатгина 13,3±0,34 куни тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши кузатилган.

Бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда тана ҳароратининг кўрсаткичлари таҳлил этилганда 55 нафар беморларда (27,6%) тана ҳарорати 38<sup>0</sup>дан юқори, 11,06% ҳолатларда - 39-40<sup>0</sup> ва 122 (79,9%) ҳолатларда 37-38<sup>0</sup>гача кўтарилган. Кучли терлаш бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган барча беморларда, эт увишиши эса 88,94% беморларда, қайд этилди.

Бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларнинг деярли барчасини умумий ҳолсизлик (85,43±0,65%), бош оғриши (90,95±0,67%), 18,59±0,31% ҳолатларда уйқунинг бузилиши ва 61,31±0,55% ҳолатларда эса тананинг зиркираб оғриши безовта қилган. 54,77±0,52% беморларда иштаҳанинг пасайиши кузатилган.

93,97±0,68% беморларда периферик лимфа тугунларини (чов – 32,66%, қўлтиқ остидаги – 86,43%, жағости – 4 нафар беморларда) катталашганлигини кузатдик.

69,85±0,59% беморларда жигарнинг катталашганлиги қайд этилди. 38 нафар (19,1%) беморларда жигар бироз катталашган. 101 нафар беморларда (50,8%) жигар қовурға равоғидан 1-2 см, 19 нафарида эса (9,5%) 5-6 см катталашган. Кўпгина беморларда жигар эластик, ўртача зичликда. Беморларнинг 69 нафарида (34,7%) пальпацияда оғриқ қайд этилди.

17,59% ҳолатларда талоқнинг бирозгина катталашганлигини кузатдик. Бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда оғриқлар аксарият ҳолатларда бўғимларида (81,41±0,64%), қўлларида - 54,4% ва оёқларида – 95,4%, кам ҳолларда мушакларида (34,2%) ва белида (56,8%) кўпинча, доимий тусда эканлиги кузатилди.

Бруцеллёзнинг ўткир шакли билан касалланган аёлларнинг 9 нафарида (4,52%) ҳайз циклининг бузилиши кузатилди ва 4,52% нафар бемор эркаклар чов соҳасида шиш пайдо бўлиши ва оғришига шикоят қилишди.

Бруцеллёзнинг ярим ўткир шаклида, ўткир шаклида қайд этилган деярли барча симптомлар кузатилди. Касалликнинг қуйидаги белгилари кўпинча бир хил кўрсаткичда - умумий ҳолсизлик (76,0±1,23%), терлаш (100,0±1,41%), эт увишиши (76,0±1,23%), бош оғриши (80,49±1,40%), иштаҳанинг пасайиши (48,6±1,18), лимфа тугунларини катталашини (91,4±1,61%) қайд этилди. Бруцеллёзнинг ярим ўткир шакли билан

касалланган беморларни кўпинча уйқунинг бузилиши ( $34,0 \pm 0,82\%$ ) безовта қилган.

Кўпинча жигарнинг катталашиси (ўткир шаклида -  $69,35 \pm 0,59\%$ , ярим ўткир шаклида -  $82,0 \pm 1,28\%$ ,  $P < 0,001$ ), бўғимларда оғриқ ( $81,41 \pm 0,64\%$  ва  $96,0 \pm 1,38\%$ , мос равишда,  $P < 0,001$ ), белда оғриқ ( $56,78 \pm 0,53\%$  ва  $62,0 \pm 1,11\%$ , мос равишда,  $P < 0,001$ ), 3,1 марта кўп орхоепидидимитлар (ўткир шаклида  $4,52 \pm 0,15\%$  ва ярим ўткир шаклида  $14,0 \pm 0,53\%$ ,  $P < 0,001$ ), 4,0 марта кўп ҳайз циклининг бузилиши ( $4,52 \pm 0,15\%$  ва  $18,0 \pm 0,60\%$ , мос равишда,  $P < 0,001$ ) қайд этилди. Бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шаклида кўпинча талоқнинг катталашиси қайд этилди ( $17,59 \pm 0,30\%$  ва  $18,0 \pm 0,60\%$ , мос равишда).

Гематологик силжиш кескин намоён бўлмади: бруцеллэзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларнинг  $41,71\%$  да, ярим ўткир шакли билан оғриганларнинг  $54,0\%$  да анемия,  $2,51\%$  ва  $6,0\%$  ҳолатларда мос равишда лейкопения қайд этилди. Бруцеллэзнинг ўткир шакли билан оғриган 67 нафар ( $33,7\%$ ) ва ярим ўткир шакли билан оғриган 34 нафар беморларда ( $68,0\%$ ) ЭЧТ 24 мм/соат гача ошиши кузатилди.

Бруцеллэзнинг ўткир шаклида  $11,5\%$  ҳолатларда, ярим ўткир шаклида эса  $21,9\%$  ҳолатларда ферментларнинг ошиши қайд этилди (АЛАТ  $2,9 \pm 0,1$  мкмоль/л гача).

Бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан оғриган беморларнинг пешоби таҳлил қилинганда, пешобда  $32,2\%$  ва  $47,6\%$  ҳолатларда оксил мавжудлиги аниқланди, мос равишда,  $21,1\%$  ва  $27,5\%$  да – шиллиқ,  $45,6\%$  ва  $51,0\%$  ҳолатларда, мос равишда, пешобда туз мавжудлиги, организмда интоксикация ҳисобига реактив яллиғланиш натижаси бўлиши мумкин. Беморларнинг буйраклари ультратовуш текшируви ёрдамида текширилганда  $37,2\%$  ва  $42,0\%$  ҳолатларда пиелонефрит мавжудлигини кўрсатди, мос равишда.

Бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган 37 нафар ( $90,24\%$ ) беморларда  $78,05 \pm 1,37\%$  ҳолатларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолсизлик ( $95,12 \pm 1,52\%$ ), бош оғриши ( $80,49 \pm 1,40\%$  ҳолатларда), эт увишиши ( $48,78 \pm 1,09\%$ ) шикоятлари билан шифохонага ётқизилган. Бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шаклларига нисбатан, иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморларда уйқунинг бузилиши ( $75,61 \pm 1,35\%$ ), иштаҳанинг пасайиши ( $70,73 \pm 1,31\%$ ) кўпроқ безовта қилган.

Бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморларда периферик лимфа тугунларининг катталашиси ( $92,68 \pm 1,50\%$ ) аниқланди (чов –  $53,7\%$ , қўлтиқости –  $78,0\%$ , жағости –  $26,8\%$  беморларда).  $82,93 \pm 1,42\%$  ҳолатларда жигарнинг катталашиси, 14 ( $34,1\%$ ) ҳолатларда ўртача зичликда, пальпацияда оғриқли эканлиги кузатилди.

Нисбатан кўп ҳолларда талоқнинг катталашиси ( $68,29 \pm 1,29\%$ ) қайд этилди.

Бўғимларда ( $97,56 \pm 1,54\%$ ) айниқса, йирик бўғимларда – тизза ( $48,8\%$ ), тирсак бўғимларида ( $41,5\%$ ) об-ҳаво ўзгарганда, оғир юк кўтарганда кучаядиган доимий тусдаги кучли оғриқ кузатилди. Кўп ҳолатларда белда

(85,4%) ва мушакларда (41,5%) оғриқлар безовта қилган. 36,6% ҳолатларда бўғимларда озгина деформация қайд этилган.

Бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шакллари билан касалланган беморларнинг жинсий аъзолари тизимида ўзгаришлар қайд этилди – эркакларда  $26,83 \pm 0,81\%$  ҳолатларда чов соҳасида шиш ва оғриқга, аёллар эса  $39,02 \pm 0,97\%$  ҳолатларда ҳайз циклининг бузилишига шикоят қилишди.

Антибиотиклар билан даволаш курси ўтказилгандан сўнг касаллик динамикасининг таҳлили натижалари, бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан касалланган беморларнинг умумий ҳолатини яхшиланганлигини кўрсатди. Касалликнинг иккала шаклида ҳам беморларда тана ҳарорати меъёрлашган ва эт увишиши қайд этилмаган. Кам ҳолатларда беморларни терлаш, умумий ҳолсизлик, бош оғриши, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши, жиззакилик безовта қилган. Бруцеллэзнинг ўткир шакли билан оғриган беморларда даволаш курсидан кейин катталашган лимфа тугунларининг нўхат донасидек бўлиши 54 нафар беморларда (27,14%) сақланган, 30 нафар (15,08%) беморларда жигар қовурға равоғидан бир оз чиққан бўлса, 14 нафар беморларда (7,04%) 2-3 см чиққан. Беморлардан 17,6% да талоқ даволашгача катталашган, 4,0%да бир оз катталашганлиги сақланган. Бруцеллэзнинг ярим ўткир шакли билан касалланган беморларда клиник белгиларнинг динамикасини қиёсий таҳлили, меъёрлашиш томонга ижобий силжишини аммо, беморларнинг бир қисмида терлаш ( $24,0 \pm 0,69\%$ ), бўғимларда оғриқ ( $48,0 \pm 0,98\%$ ), белда оғриқ ( $50,0 \pm 1,0\%$ ), жигар ( $38,0 \pm 0,87\%$ ) ва талоқнинг катталашганлигини ( $6,0 \pm 0,35\%$ ) кўрсатди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, касалликни ўткир шаклининг динамикасида терлаш, умумий ҳолсизлик каби белгилар фақатгина 16,08% ва 21,0% беморларни, касалликнинг ярим ўткир шаклида эса 24,0% ва 30,0% беморларда безовта қилиши давом этган, мос равишда.

Бўғимларда ва белда оғриқ бруцеллэзнинг ўткир шаклини даволагандан сўнг фақатгина 37,7% ва 24,1% ҳолатларда, ярим ўткир шаклида эса 48,0% ва 50,0% беморларни безовта қилган, мос равишда.

Бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморларда клиник белгилар динамикасини даволашгача ва даволашдан кейинги қиёсий таҳлили, эт увиши ( $48,8 \pm 1,09\%$  ва  $21,9 \pm 0,73\%$ , мос равишда), терлаш ( $75,6 \pm 1,35\%$  ва  $31,7 \pm 0,88\%$ , мос равишда), юрак тонларининг бўғилиши ( $80,49 \pm 1,40\%$  ва  $63,41 \pm 1,24\%$ , мос равишда), лимфа тугунларининг ( $92,7 \pm 1,50\%$  ва  $75,6 \pm 1,35\%$ , мос равишда), жигарнинг ( $82,9 \pm 1,42\%$  ва  $78,1 \pm 1,37\%$ , мос равишда), талоқнинг катталашши ( $68,3 \pm 1,29\%$  ва  $34,1 \pm 0,91\%$ , мос равишда), бўғимларда ( $97,6 \pm 1,54\%$  ва  $68,4 \pm 1,29\%$ , мос равишда), белда оғриқлар ( $85,4 \pm 1,44\%$  ва  $73,2 \pm 1,33\%$ , мос равишда), кўпинча ишончли даражада сақланганлигини ва беморларни безовта қилишни давом этганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Бруцеллэзнинг ўткир, ярим ўткир ва иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморларда антигенбоғловчи

**лимфоцитлар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили»** деб номланган тўртинчи бобида бруцеллёзнинг турли шакллари билан оғриган беморларда жигар, буйрак, мия, бўғим халтачаси, эркаларда простата беши ва аёлларда тухумдонлар тўқима антигенига махсус, сезгирлиги оширилган антигенбоғловчи лимфоцитларни динамикада кўрсаткичларини таҳлили натижалари келтирилган.

Бруцеллёзнинг ўткир шакли билан касалланган беморларда ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили, жигар ( $5,9\pm 0,17\%$ ; назорат гуруҳида  $1,8\pm 0,13\%$ ), бўғим халтачаси ( $4,7\pm 0,14\%$ ; назорат гуруҳида  $1,91\pm 0,21\%$ ) ва аёлларда тухумдонлар ( $5,6\pm 0,20\%$ ; назорат гуруҳида  $2,2\pm 0,20\%$ ) тўқималарида чуқур ўзгаришлар келиб чиқишини кўрсатди ( $P < 0,001$ ).

Шунингдек, мия ( $2,9\pm 0,13\%$ ; назорат гуруҳида  $1,4\pm 0,13\%$ ), буйрак ( $4,1\pm 0,11\%$ ; назорат гуруҳида  $1,8\pm 0,15\%$ ) ва эркаларда простата беши ( $3,1\pm 0,18\%$ ; назорат гуруҳида  $1,8\pm 0,15\%$ ) ТАГга махсус, сезгирлиги оширилган АБЛнинг кўрсаткичларини ишончли ошиши қайд этилди.


Текширилган гуруҳлар ичида ТАГга АБЛ кўрсаткичларининг дастлабки қийматларини қиёсий таҳлили, мия ТАГга АБЛнинг энг юқори ошиши 3 нафар беморларда  $6,0\%$  гача, динамикада  $4,0\%$  гача пасайиш билан; жигар ТАГга 2 нафар беморда  $9,0\%$  гача, кейинчалик  $5,0\%$  гача пасайиш билан; бўғим халтачаси ТАГга АБЛ  $10,0\%$  гача,  $6,0\%$  гача пасайиш билан, 6 нафар эркаларда простата беши ТАГга АБЛ кўрсаткичларининг ошиши  $7,0\%$  гача ва ўткир бруцеллёз билан касалланган аёлларда тухумдонлар ТАГга АБЛнинг энг юқори ошиши  $8,0\%$  гача эканлигини кўрсатди.

Касалликнинг динамикасида антибиотиклар билан даволашнинг 20 куни олинган натижаларнинг таҳлили, ўрганилган аъзоларда АБЛ кўрсаткичларини пасайишининг жадаллиги даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли пасайиш даражасига эга (АБЛ кўрсаткичлари жигар ТАГга 1,4 марта, буйрак ТАГга -1,7, мия ТАГга -1,6 марта, простата 1,5 марта ва тухумдонлар ТАГга 1,6 марта), пасайишнинг ишончли фарқини сақлаган ҳолда (АБЛ кўрсаткичлари жигар ТАГга 1,4 марта, бўғим халтачаси ТАГга -1,3, буйрак ТАГга -1,7, мия ТАГга 1,6 марта, простата 1,5 марта ва тухумдонлар ТАГга 1,6 марта), назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли фарқни сақлаган ҳолда пасайиш даражасига эга ( $1,35\pm 0,13\%$  назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан мия ТАГга АБЛ –  $2,47\pm 0,08\%$  ва  $1,60\pm 0,09\%$  кўрсаткичларидан ташқари) эканлигини кўрсатди.

Касалликнинг авж олган даврида кўзғатувчи АГга нисбатан АБЛнинг дастлабки кўрсаткичлари қонда  $9,4\pm 0,24\%$  гача кескин ошиши билан тавсифланди, бу ҳолат беморлар гуруҳида 18 дан  $6\%$  гача ўзгариб туриши билан назоратдаги кўрсаткичларга ( $1,7\pm 0,24\%$ ) нисбатан 5,5 марта ошганлигини кўрсатди. Касалликнинг динамикасида ўртача кўрсаткичларни  $6,7\pm 0,23\%$  гача ишончли пасайганлигини, назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан  $1,7\pm 0,13\%$  юқори кўрсаткичларда сақланганлиги қайд этилди.

Бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан касалланган беморларда мия, жигар, бўғим халтачаси, буйрак, эркаларда простата беши

ва аёлларда тухумдонлар ТАГга махсус сезгирлиги оширилган АБЛ миқдорининг қиёсий таҳлили, бруцеллёзнинг ярим ўткир шаклида бўғим халтачасида ( $4,7 \pm 0,14\%$  ва  $5,4 \pm 0,21\%$   $P < 0,05$ , мос равишда) чуқур ўзгаришлар пайдо бўлишини кўрсатди, бу ҳолат организмга қўзғатувчининг узоқ вақт таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Касалликнинг ўткир шаклида жигар ( $5,9 \pm 0,17\%$ ), буйрак ( $4,1 \pm 0,11\%$ ), простата бези ТАГга АБЛ нинг ( $3,1 \pm 0,18\%$ ) юқори кўрсаткичларда қайд этилиши ўткир жараён ва организмда интоксикациянинг юқори билан боғлиқ бўлиши мумкин (1-расм).



**1-расм. Бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан оғирган беморларда АБЛ нинг даволашгача кўрсаткичлари (%)**

Бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан касалланган беморларда қўзғатувчи АГ га АБЛ миқдорининг қиёсий таҳлили, ярим ўткир шаклига қараганда ( $7,8 \pm 0,35\%$ ) ўткир шаклида ( $9,4 \pm 0,24\%$ ) ишончли, юқори кўрсаткичларни кўрсатди, бу ҳолатга бруцеллёзнинг ўткир шаклида интоксикациянинг ва касалликнинг кучли клиник намоён бўлиши сабаб бўлиши мумкин.


Касалликнинг динамикасида АБЛ кўрсаткичларининг назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлган ҳолда мия ТАГга 1,5 марта, жигар ТАГга 1,4 марта, бўғим халтачаси ТАГга 1,3, буйрак ва аёлларда тухумдонлар ТАГга 1,6 марта ишончли пасайиши, жигар, бўғим халтачаси ва аёлларда тухумдонлар ТАГга АБЛ назоратдаги кўрсаткичларига нисбатан ишончли, юқори эканлиги қайд этилди, 2,2; 2,2 ва 1,7 марта мос равишда.

Бруцеллёз қўзғатувчисининг АГ га АБЛ динамикасининг қиёсий таҳлили, бруцеллёзнинг ўткир шаклига (1,4 марта) нисбатан ярим ўткир шаклида (1,8 марта) қўзғатувчи АГга АБЛ кўрсаткичларининг пасайиш жадаллиги кучлироқ намоён бўлишини ва назоратдаги кўрсаткичларга



нисбатан ишончли, юқори бўлганлигини кўрсатди ( $7,8 \pm 0,35\%$  ва  $4,4 \pm 0,16\%$ ,  $P < 0,01$ ) (2-расм).

Бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморлар гуруҳини 2017-2018 йилларда бруцеллёзнинг ўткир шакли билан (тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, терлаш, бўғимларда оғриқ, лимфатик тугунларининг катталашishi ва б.к.) касалланганлар ва касалликнинг ўткир шакли билан 2016-2017 йилларда касалланиб ўтганлар ташкил этди.



**2-расм. Бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шакли билан оғриган беморларда АБЛ нинг даволашдан кейинги кўрсаткичлари (%).**

Олинган натижаларга мувофиқ, бу гуруҳдаги беморларда айнан шу аъзолар ТАГга нисбатан АБЛнинг ошиши ушбу беморлар шифохонага биринчи марта ётқизилганда ҳам кузатилган. Бунда кўпинча, юқори кўрсаткичлар аъзоларда чуқур патологик жараёнлардан далолат беради.


Демак, бруцеллёзнинг ўткир шакли билан оғриган (32) беморлар шифохонага ётқизиладиганда ТАГга АБЛ ўртача кўрсаткичлари мия ТАГга  $3,4 \pm 0,26\%$ ; жигар ТАГга  $5,8 \pm 0,35\%$ ; бўғим халтачаси ТАГга  $4,9 \pm 0,24\%$ ; буйрак  $4,0 \pm 0,23\%$ ; простата  $4,2 \pm 0,38\%$ ; тухумдон ТАГга  $5,4 \pm 0,23\%$  ни ташкил этди; бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморлар шифохонага ётқизиладиганда эса мия ТАГга АБЛ нинг ўртача кўрсаткичлари –  $4,0 \pm 0,26\%$ ; жигар  $6,0 \pm 0,34\%$ ; бўғим халтачаси  $8,0 \pm 0,44\%$ ; буйрак  $4,8 \pm 0,36\%$ ; простата  $5,0 \pm 0,48\%$ ; тухумдон ТАГга АБЛ нинг ўртача кўрсаткичлари  $7,0 \pm 0,45\%$  ни ташкил этди. (3-расм).

Бруцеллёзнинг ўткир шаклига нисбатан бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморлар шифохонага ётқизилганда бўғим халтачаси пардаси ТАГга АБЛ кўрсаткичлари яққол намоён бўлди.

Демак, бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шаклида, назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли 4,12 марта, ўткир бруцеллёзда 2,78 марта

юқори ( $8,0 \pm 0,44\%$ ;  $5,4 \pm 0,21\%$  назорат гуруҳида  $1,9 \pm 0,13\%$ , мос равишда,  $P < 0,05$ ).

Бруцелла антигенига АБЛ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, ўткир шакли билан касалланганларга нисбатан ( $9,2 \pm 0,38\%$ ) бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморлар шифохонага ётқизиладиганда ( $7,7 \pm 0,38\%$ ) АБЛ кўрсаткичларининг бир оз пасайганини кўрсатди (3-расм).



**3-расм. Бруцеллёзнинг ўткир ва иккиламчи сурункали шакли билан оғриган беморларда АБЛ нинг даволашгача кўрсаткичлари (%).**

Анъанавий даволаш курси ўтказилгандан сўнг, иккала гуруҳда ҳам даволашгача АБЛ кўрсаткичларининг йўналиши ва ижобий динамикасининг намоён бўлиши бўйича бир хил эканлиги қайд этилди, аммо кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан ишончли фарқ қилишда давом этди.

Демак, бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шаклида барча аъзолар ТАГга АБЛ кўрсаткичларининг ишончли пасайиши ва фақатгина мия ТАГга АБЛ миқдори назоратдаги кўрсаткичларгача пасайди, бруцеллёзнинг ўткир шаклида ҳам қолган ўрганилган аъзолар ТАГга нисбатан АБЛ кўрсаткичлари назоратдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли юқориликгача қолди.

Шунингдек, касалликнинг кечишида бруцелла АГга АБЛ кўрсаткичларининг ишончли пасайиши ( $7,7 \pm 0,38\%$  гача ва 20 кундан кейин  $5,1 \pm 0,32\%$ ), назоратдаги кўрсаткичлардан ишончли юқори эканлиги қайд этилди.


Даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан тегишли аъзоларнинг ТАГга АБЛ кўрсаткичларининг пасайиш даражасини қиёсий таҳлили, даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ўтказилган даволашнинг маълум бир самарасини кўрсатди, аммо назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан аъзолар ТАГга АБЛ кўрсаткичларининг юқори эканлиги сақланиб қолганини эътиборга олиб, организмда турли жадалликдаги патологик

жараён сақланганлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида даволашни давом эттиришни ёки анъанавий даволаш схемасига бирор-бир ўзгартириш киритиш лозимлигини талаб этади.

